

## ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕХНАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1891,1 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 20924 кишига ёки 1,1 фоизга кўпайди.

### 2018 йил январь-сентябрь ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2017 й.	2018 й. <sup>1)</sup>	ўсиш, камайиш	2017 й.	2018 й. <sup>1)</sup>
Туғилганлар	27564	28794	1230	19,9	20,5
Ўлганлар	6338	5785	-553	4,6	4,1
Табиий ўсиш	21226	23009	1783	15,3	16,4
Никоҳлар	10561	8814	-1747	7,6	6,3
Ажралишлар	1360	1170	-190	1,0	0,8

2018 йилнинг январь-сентябрда туғилганлар сони 28794 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (27564 киши) нисбатан 1230 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равища 20,5 промиллени ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (19,9 промилле) нисбатан 0,6 промиллека кўпайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Бухоро (18,6 дан 17,6 промиллека), Коровулбозор (20,6 дан 19,4 промиллека), Когон (23,0 дан 22,8 промиллека), Ромитан (21,5 дан 21,1 промиллека) туманларида кузатилди.

**Ўлим даражаси.** 2018 йилнинг январь-сентябрда ўлганлар сони 5785 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (6338 киши) нисбатан 553 тага камайди. Мос равища ўлим коэффициенти 4,1 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-сентябрида – 4,6 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши кузатилмади, Вобкент тумани ва Когон шахрида ўтган йилининг мос даврига нисбатан тенглик кузатилди.


**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2018 йилнинг январь-сентябрда ФХДЁ органларида 8814 та никоҳлар ва 1170 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 6,3 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида – 7,6 та) ва 0,8 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида 1,0 та) тўғри келади.

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 4926 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 7011 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиги минус 2085 кишига (2017 йилнинг шу даврида - минус 1831 киши) тенг бўлди.


Энг катта минус қолдиқлар Бухоро шахрида (минус 1779 ), Когон шахрида (минус 255 ), Фиждувон (минус 416 ) туманларида кузатилди.

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

**2018 йил январь-сентябрь ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати**  
*(жар 1000 кишига)*




**Доимий аҳоли сони<sup>1)</sup> (2018 йил I октябрь ҳолатига, минг киши)**




## Тузилган никохлар сони<sup>1)</sup> (январь-сентябрь ойларида)

(бирлик)



## Никохдан ажралишлар сони<sup>1)</sup> (январь-сентябрь ойларида)

(бирлик)



<sup>1)</sup> Дастраси маълум